

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**581 Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида қонун ҳужжатларини муҳокама қилиш учун шароит яратиш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2015 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли лойиҳа ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқувчилар — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилади;

муҳокама иштирокчилари томонидан берилган таклифлар тегишли лойиҳа ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқувчилар — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўриб чиқилиши шарт.

2. Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2015 йил 1 январгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш бўйича махсус бўлим ишлашини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона

порталидаги махсус бўлимни техник жиҳатдан доимий қўллаб-қувватлашни амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мазкур қарорнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши ва сифати бўйича мувофиқлаштиришни ҳамда мониторинг олиб боришни, шунингдек заруратга кўра қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 декабрь,
328-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарорига
ИЛОВА

Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив дав-

лат хизматлари ягона порталида (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) уларни муҳокама қилиш йўли билан баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

жадвал — норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва киритиш (қабул қилиш)нинг барча босқичларини амалга оширишни ҳамда аниқ муддатларини назарда тутадиган, ишлаб чиқувчи томонидан тасдиқланган режа-жадвал;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ва қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни муҳокама қилиш — тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ва бошқа зарур маълумотларни Ягона порталга жойлаштириш, шунингдек муҳокама иштирокчиларининг тақдим этилган таклифларни ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун умумлаштириш ва кўриб чиқиш;

ишлаб чиқувчилар — тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

муҳокама иштирокчилари — Ягона порталда жойлаштирилган ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан таклифлар тақдим этган юридик ва жисмоний шахслар.

3. Қуйидагилар ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолашнинг мақсадлари ҳисобланади:

муаммони, уни тартибга солишнинг мақсади ва мавжуд ечимини таҳлил қилиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда вужудга келиши мумкин бўлган (вужудга келган) ижобий ва салбий оқибатларни аниқлаш;

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган ёки жорий этишга шароит яратадиган қоидаларни аниқлаш;

тадбиркорлик субъектларида асоссиз харажатлар пайдо бўлишига олиб келувчи қоидаларни аниқлаш.

4. Қуйидагиларни:

а) тадбиркорлик субъектларига янги чекловлар ва янги турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензиялар жорий қилиш ёки мавжуд чеклов,

рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензияланадиган фаолият турларини тадбиркорлик субъектларининг янада кенгроқ доирасига татбиқ қилишни;

б) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этишни;

в) тадбиркорлик субъектлари томонидан анча харажатлар қилишга олиб келиши мумкин бўлган талаблар (шартлар)ни жорий этишни;

г) тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар устав капиталининг энг кам миқдorigа нисбатан талабларни оширишни;

д) тегишли соҳадаги тадбиркорлик субъектларининг 30 ва ундан ортиқ фоизининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатишни;

е) тадбиркорлик субъектларининг белгиланган ҳуқуқларини қисқартириш (камайтириш) ёки қўшимча мажбуриятлар жорий қилишни;

ж) тадбиркорлик субъектлари учун янги турдаги жавобгарлик чораларини жорий қилишни;

з) тадбиркорлик субъектларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ва бошқа турдаги имтиёз, кафолат ва преференцияларни белгилашни, шунингдек тадбиркорлик субъектларига янги ҳуқуқлар беришни назарда тутувчи ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари муҳокама қилиниши ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири баҳоланиши керак.

5. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш улар тартибга соладиган тегишли йўналиш ва масалаларни янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган омилларни бартараф этиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва қисқартириш мақсадида:

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқувчилари ташаббуси билан;

тадбиркорлик субъектлари бирлашмаларининг таклифларига асосан;

давлат ва бошқа ваколатли органларнинг ўз ваколати доирасига киририлган тегишли йўналиш ва масалалар юзасидан таклифлари, шунингдек улар томонидан тартибга солинадиган масалалар бўйича тадбиркорлик субъектларининг асослантирилган жамоавий мурожаати;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқлари асосида амалга оширилиши мумкин.

6. Қуйидаги:

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган;

фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида қабул қилинадиган;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишга йўналтирилган;

амалдаги қонунчилик қоидаларини янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш бўйича;

мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсири баҳоланмайди.

7. Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш мақсадида муҳокама қилиш жараёни бўйича ташаббус билан чиқиш, шунингдек муҳокама иштирокчиларининг таклифларини умумлаштириш ва кўриб чиқиш тегишли ишлаб чиқувчилар томонидан ўзлари тасдиқлаган жадвал асосида:

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича — мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича — мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схемалар бўйича амалга оширилади.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни муҳокама қилиш тўғрисида хабарнома

8. Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси унинг манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш жараёни бошланишидан олдин — мажбурий тарзда, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат муҳокамаси эса — у кучга киргандан сўнг камида бир йилдан кейин ўтказилади.

9. Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни муҳокама қилиш учун ишлаб чиқувчи Ягона порталда муҳокама ўтказиш ҳақидаги хабарни, жадвални, таъсири баҳоланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, шунингдек муҳокама иштирокчилари учун сўровномани жойлаштиради.

Муҳокама иштирокчилари учун сўровнома намунавий шаклларда:

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун — мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат учун — мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ жойлаштирилади.

10. Муҳокама ўтказиш тўғрисидаги хабарномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари учун: лойиҳани қабул қилиш заруратининг асоси;

лойиҳанинг тури, номи ва режалаштириладиган кучга кириш муддати; ишлаб чиқувчи тўғрисида маълумот;

ишлаб чиқувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича таклифларни қабул қилиш муддати, бунда ушбу муддат хабарнома Ягона порталда жойлаштирилган кундан бошлаб 15 кундан кам бўлиши мумкин эмас;

б) қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат учун:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни баҳолаш орқали ҳал қилиниши ёки ўрганиб чиқилиши керак бўлган муаммо (масала)нинг тавсифи;

ишлаб чикувчи тўғрисида маълумот;

ишлаб чикувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича таклифларни қабул қилиш муддати, бунда ушбу муддат хабарнома Ягона порталда жойлаштирилган кундан бошлаб 15 кундан кам бўлиши мумкин эмас.

Хабарномага, ишлаб чикувчининг фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга оид бошқа маълумотларга тегишли бўлган ахборот ҳам киритилиши мумкин.

III. Муҳокамаларни ўтказиш ва таклифларни умумлаштириш

11. Муҳокама қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича таклифлар муҳокама иштирокчилари томонидан Ягона порталда мазкур Низомнинг 9-бандига мувофиқ жойлаштирилган сўровномаларни тўлдириш йўли билан тақдим этилади.

12. Муҳокама иштирокчилари сўровномаларда кўрсатилмаган масалалар бўйича ҳам ўзларининг асослантирилган таклифларини ихтиёрий шаклда билдиришлари мумкин.

13. Муҳокама иштирокчилари томонидан муҳокама предметига оид бўлмаган, асослантирилмаган ва аниқ ифодаланмаган, шунингдек хабарномада кўрсатилган муддатдан сўнг тақдим қилинган таклифлар ишлаб чикувчилар томонидан кўриб чиқилмайди.

14. Ишлаб чикувчилар муҳокама иштирокчиларининг тушган таклифларини умумлаштиради ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотни, агар рад этилган бўлса — асослантирилган сабабни Ягона порталда жойлаштиради.

15. Тушган таклифлар, уларнинг қабул қилинганидан ёки рад этилганидан қатъи назар, Ягона порталда жойлаштирилган ҳолда қолдирилиши ва чекланмаган доирада, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг келишувини амалга оширган вазирликлар ва идоралар учун ҳам танишиб чиқиш учун очиқ бўлиши керак.

IV. Ўтказилган муҳокамалар натижаларини инобатга олиш

16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича муҳокама иштирокчиларининг таклифларини инобатга олиш ишлаб чикувчилар томонидан лойиҳани қабул қилинган таклифларга мувофиқ қайта ишлаш орқали ва жадвалда белгиланган муддатларда амалга оширилади. Бунда лойиҳани қайта ишлаш муддати муҳокама тугаганидан сўнг 30 кундан ошмаслиги керак.

17. Ишлаб чикувчилар қайта ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ахборот тариқасида Ягона порталга такроран жойлаштирадilar.

Бунда Ягона порталда такроран жойлаштирилган лойиҳа муҳокама натижасида қайта ишланган ёки лойиҳага киритилган бандларга, шунингдек уларни тақдим қилган муҳокама иштирокчилари ҳақида тегишли ахборотга ҳаволалар билан жойлаштирилиши керак.

18. Қайта ишланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси уни Ягона порталда қайта жойлаштириш билан бир вақтда манфаатдор вазирликларга ва идораларга белгиланган тартибда келишиш учун юборилади.

19. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича муҳокама иштирокчиларининг таклифларини инобатга олиш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, шу жумладан муҳокама қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш қабул қилинган таклифларга мувофиқ ва тасдиқланган жадвалда белгиланган муддатларда амалга оширилади. Бунда лойиҳани ишлаб чиқиш муддати муҳокама тугаганидан сўнг 30 кундан ошмаслиги керак.

20. Ишлаб чиқилган лойиҳа муҳокама ўтказиш ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа тартиботларни амалга ошириш учун Ягона порталда жойлаштирилади.

21. Ўтказилган муҳокама ва унинг натижалари мажбурий тарзда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига тушунтириш хатида (идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий давлат органлари қарорлари тайёрланганда — юридик хизмат маълумотномасида) акс эттирилиши керак.

V. Якунловчи қоидалар

22. Киритилиши, қабул қилиниши ёки кучга киришининг аниқ муддати белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилганда ушбу Низомнинг 10, 16 ва 19-бандларида кўрсатилган муддатлар ўзгартирилиши мумкин.

Бунда тасдиқланган жадвалларда кўрсатилган муддатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг киритилиши, қабул қилиниши ёки кучга киришининг белгиланган аниқ муддатига мувофиқ бўлиши лозим.

23. Ишлаб чиқиляётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича ўтказилган муҳокама материаллари, шу жумладан улар бўйича келиб тушган таклифлар, муҳокама тугаганидан сўнг 3 йил мобайнида Ягона порталда сақланиши ва чекланмаган доирада танишиб чиқиш учун очиқ бўлиши керак.

24. Ишлаб чиқувчининг раҳбари ушбу Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқиляётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ёки қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг муҳокама қилиш учун Ягона порталга жойлаштирилиши, муҳокама иштирокчилардан келиб тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши ва уларнинг қабул қилингани ёки рад этилгани тўғрисидаги ахборотнинг жойлаштирилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-
жатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркор-
лик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон
Республикасининг Интерактив давлат хиз-
матлари ягона портали орқали баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

**Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат
лойиҳасининг муҳокамасини ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқич- лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ишлаб чиқувчи	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш	жадвалга мувофиқ
2-босқич	Ишлаб чиқувчи	Ягона порталда: муҳокама ўтказилиши тўғрисида хабар- номани; жадвални; норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини; муҳокама иштирокчилари учун сўровно- мани жойлаштириш.	лойиҳа ишлаб чиқилган кундан бошлаб 1 кун мобайнида
3-босқич	Муҳокама иштирокчи- лари Ишлаб чиқувчи	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича таклифларни тақдим этиш. Тушган таклифларни умумлаштириш ва кўриб чиқиш. Тушган таклифлар қабул қилинганлиги тўғрисидаги ахборотни ёки рад этишнинг асослантирилган сабабини Ягона порталга жойлаштириш.	муҳокама тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддатларда жадвалга мувофиқ
4-босқич	Ишлаб чиқувчи	Лойиҳани қабул қилинган таклифларга мувофиқ қайта ишлаш. Қайта ишланган лойиҳани Ягона порталда такроран жойлаштириш ва келишиш учун манфаатдор вазирликлар ва идораларга юбо- риш.	жадвалга мувофиқ, муҳокама ўтказилган кундан кейин 30 кундан ошма- ган муддатда

Изоҳ: киритилиши, қабул қилиниши ёки кучга киришининг аниқ муд-
датлари белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чи-
қилганда кўрсатилган муддатлар ўзгартирилиши мумкин.

Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-
жатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркор-
лик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон
Республикасининг Интерактив давлат хиз-
матлари ягона портали орқали баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг
муҳокамасини ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ишлаб чиқувчи	Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳуж- жатни баҳолаш орқали ҳал қилиниши ёки ўрганиб чиқилиши керак бўлган муаммо (масала)нинг тавсифини тайёрлаш.	жадвалга мувофиқ
2-босқич	Ишлаб чиқувчи	Ягона порталда: муҳокама ўтказилиши тўғрисида хабар- номани; жадвални; норматив-ҳуқуқий ҳужжатни; муҳокама иштирокчилари учун сўровно- мани жойлаштириш.	баён тайёрланган кундан бошлаб 1 кун ичида
3-босқич	Муҳокама иштирокчи- лари Ишлаб чиқувчи	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича так- лифларни тақдим этиш. Тушган таклифларни умумлаштириш ва кўриб чиқиш. Тушган таклифлар қабул қилингани тўғ- рисидаги ахборотни ёки рад этишнинг асос- лантирилган сабабини Ягона порталга жой- лаштириш.	муҳокама тўғрисидаги хабарда кўрсатилган муддатларда жадвалга мувофиқ
4-босқич	Ишлаб чиқувчи	Ҳисобга олинган таклифларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига, шу жумладан муҳокама қилинаётган норматив- ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимча- лар киритиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш. Ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳуж- жат лойиҳасини уни муҳокама қилиш учун Ягона порталда жойлаштириш.	жадвалга мувофиқ, муҳокама ўтказилган кундан кейин 30 кундан ошмаган муддатда

Изоҳ: киритилиши, қабул қилиниши ёки кучга киришининг аниқ муд-
датлари белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чи-
қилганда кўрсатилган муддатлар ўзгартирилиши мумкин.

Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-
жатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркор-
лик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон
Республикасининг Интерактив давлат хиз-
матлари ягона портали орқали баҳолаш
тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

**Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат
лойиҳалари муҳокамаси иштирокчилари учун
СЎРОВНОМА**

Боғланиш учун ахборот:

Ташкилотнинг номи
(жисмоний шахснинг Ф.И.О.): _____
Ташкилотнинг фаолият соҳаси: _____
Боғланиладиган шахснинг Ф.И.О.: _____
Боғланиш телефони рақами: _____
Электрон почта манзили: _____

1. Фикрингизча, таклиф қилинадиган лойиҳа қандай муаммони ҳал этиш-
га қаратилган? Ушбу муаммо бугунги кунда ҳам долзарбми?

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи давлат ара-
лашуви заруратини талаб қилувчи омилларни қанчалик тўғри аниқлаган?
Таклиф этиладиган тартибга солишнинг мақсади тартибга солиш орқали ҳал
этилиши лозим бўлган муаммо билан қанчалик боғлиқ? Сизнинг фикрин-
гизча, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш унинг олдига қўйилган мақсадлар-
га эришадими?

3. Муаммони ҳал этишнинг танланган йўли мақбулми (шу жумладан,
тадбиркорлик субъектлари учун фойдаси ва зарари нуқтаи назаридан)?
Давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган мақсадга эришишнинг бош-
қача варианты мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улардан, Сизнингча, янада
кам харажатлиси ва (ёки) самаралироғи борми?

4. Сизнингча, таклиф этиладиган тартибга солиш қайси тадбиркорлик

фаолияти субъектларига дахлдор (субъектлар турлари ва соҳалар бўйича, Сизнинг шаҳар ёки вилоятингиздаги, туманингиздаги сони)?

5. Таклиф этилаётган тартибга солишни жорий қилиш соҳадаги ракобат муҳитига ўз таъсирини кўрсатадими, соҳада кучлар тақсимотининг асоссиз равишда ўзгаришига олиб келадими? Агар ўзгартирса, қандай қилиб? Имконият даражасида миқдорий кўрсаткичларни келтириб ўтинг.

6. Давлат томонидан тартибга солиш субъектларининг мажбуриятлари, жавобгарлиги қанчалик тўлиқ ва аниқ ифодаланган, шунингдек масъул давлат органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий тартиботлар қанчалик тушунарли ёзилган, ҳокимият функциялари ва ваколатлари қанчалик аниқ ва ҳар хил, тушунилмайдиган тарзда ёзилганлигига баҳо беринг. Таклиф этилаётган нормалар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ эмас ёки зид деб ўйлайсизми? Агар шундай бўлса, бундай нормалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиб ўтинг.

7. Таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган ёки жорий этишга шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг асоссиз харажатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар борми? Ҳар бир кўрсатилган қоида бўйича асослаб беринг.

8. Сизнингча, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида белгиланаётган талаб ва нормалар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ қандай муаммо ва қийинчиликлар вужудга келиши мумкин? Унда тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш механизми назарда тутилганми?

9. Таклиф этилаётган тартибга солиш кучга кириши учун ўтиш даври талаб қилинадими (агар талаб қилинса, унинг муддати қанча), янги тартибга солиш киритилишида муддат бўйича қандай чекловларни инобатга олиш лозим?

10. Сизнингча, айрим гуруҳ шахсларига нисбатан тартибга солишни жорий этишда қандай истисноларни қўллаш мақсадга мувофиқ? Тегишли асосларни келтириб ўтинг.

11. Ваколатли орган томонидан аниқлаштирилиши зарур бўлган кўриб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг аниқ қоида ва нормаларига оид махсус саволлар.

12. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида, Сизнинг фикрингизча, инобатга олинади мақсадга мувофиқ бўлган бошқа таклиф ва эътирозлар.

Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

**Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг
муҳокамаси иштирокчиларининг
СЎРОВНОМАСИ**

Боғланиш учун ахборот:

Ташкилотнинг номи
(жисмоний шахснинг Ф.И.О.): _____
Ташкилотнинг фаолият соҳаси: _____
Боғланиладиган шахснинг Ф.И.О.: _____
Боғланиш телефони рақами: _____
Электрон почта манзили: _____

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсади ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммо билан қанчалик боғлиқ? Сизнинг фикрингизча, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш унинг олдида қўйилган мақсадларга эришдими?

2. Муаммони ҳал этишнинг танланган йўли мақбулми (шу жумладан, умуман, жамият учун фойдаси ва зарари нуқтаи назаридан)? Давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган мақсадга эришишнинг бошқача варианты мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улардан, Сизнингча, янада кам харажат-лиси ва (ёки) самаралироғини белгиланг?

3. Тартибга солишни жорий этиш соҳадаги рақобат муҳитига ўз таъси-рини кўрсатдимми, соҳада кучлар тақсимотининг асоссиз равишда ўзгариши-га олиб келдимми? Агар шундай бўлса, қандай қилиб? Имконият даражасида миқдорий кўрсаткичларни келтириб ўтинг.

4. Давлат томонидан тартибга солиш субъектларининг мажбуриятлари, жавобгарлиги қанчалик тўлиқ ва аниқ ифодаланган, шунингдек масъул дав-лат органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий тартиботлар қан-чалик тушунарли ёзилган, ҳокимият функциялари ва ваколатлари қанчалик аниқ ва ҳар хил, тушунилмайдиган тарзда ёзилганлигига баҳо беринг.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-лари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган ёки жорий этишга шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг асоссиз ха-ражатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар борми? Ҳар бир кўрса-тилган қоида бўйича асослаб беринг.

6. Сизнингча, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган талаб ва нормалар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ қандай муаммо ва қийин-чиликлар вужудга келмоқда?

7. Сизнингча, айрим гуруҳ шахсларига нисбатан тартибга солишни жо-рий этишда қандай истисноларни қўллаш мақсадга мувофиқ? Тегишли асосни келтиринг.

49 (653)-сон

— 43 —

581, 583-моддалар

8. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда, Сизнинг фикрингизча, инobatга олиниши мақсадга мувофиқ бўлган бошқа таклиф ва эътирозлар.
